

"АЁЛЛАР ДАФТАРИ"-ЯНГИ ИМКОНЯТЛАР БОШЛАНИШИ



Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга маънавий ва моддий кўмак беришга қаратилган "Аёллар дафтари" аксарият аёллар учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

"Янги авлод" МФЙ да яшовчи Нодира Муртазаева 4 нафар фарзанднинг онаси. "Аёллар дафтари" туфайли бугун оддий уй бекасидан ўзини-ўзи банд қилган, севимли машғулотиغا эга, тадбиркор аёлга айланди.

Маҳалла раиси Жаҳонгир Жўраев ушбу хонадоннинг оилавий шароитини ўрганиб, иссиқхона қуриб, қўшимча даромадга эга бўлишлари учун кредит маблағларини олишда амалий ёрдам берди.

30 миллион кредит маблағлари эвазига 4 сотихли иссиқхона қурилди. Ушбу иссиқхонага 150 туп булғор қалампирининг "Беш юлдуз" нави экилди. Бугун Нодира Муртазаева етиштирган булғор қалампери мўл ҳосилга кирган.

Меҳнатдан қочмайдиган, шижоати баланд Нодира учун "Аёллар дафтари" янги имкониятлар эшигини очди.